ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.FM.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ

БОТИРОВ ҒОЛИБЖОН ИСРОИЛОВИЧ

СПИН ҚИЙМАТЛАРИ ТЎПЛАМИ ЧЕКСИЗ БЎЛГАН ПАНЖАРАЛИ СИСТЕМАЛАР УЧУН ГИББС ЎЛЧОВЛАРИ

01.01.01 – Математик анализ

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ–2020

УДК: 517.98

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации
Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.FM.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ

БОТИРОВ ҒОЛИБЖОН ИСРОИЛОВИЧ

СПИН ҚИЙМАТЛАРИ ТЎПЛАМИ ЧЕКСИЗ БЎЛГАН ПАНЖАРАЛИ СИСТЕМАЛАР УЧУН ГИББС ЎЛЧОВЛАРИ

01.01.01 – Математик анализ

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ–2020

Докторлик диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3-4.DSc/FM84 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Математика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (http://ik-fizmat.nuu.uz) ва «ZIYONET» таълим ахборот тармоғида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	**Аюпов Шавкат Абдуллаевич** физика-математика фанлари доктори, академик
Расмий оппонентлар:	**Wolfgang Koenig** Математика фанлари доктори, профессор **Лақаев Саидахмат Норжигитович** физика- математика фанлари доктори, академик **Рахимов Абдугафур Абдумаджидович** физика-математика фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.FM.01.01 рақамли Илмий кенгашнинг «___»_____________2020 йил соат____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 227-12-24, факс: (99871) 246-53-21, 246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz.)

Докторлик диссертацияси билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (______ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 246-02-24.)

Диссертация автореферати 2020 йил «____» _______________куни тарқатилди.
(2016 йил «____» _______________ даги _______ рақамли реестр баённомаси).

А.С.Садуллаев
Фан доктори илмий даражасини берувчи
Илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор, академик

Н.К.Мамадалиев
Фан доктори илмий даражасини берувчи
Илмий кенгаш котиби, PhD

Р.Н.Ғаниходжаев
Фан доктори илмий даражасини берувчи
Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси,
ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида олиб борилаётган кўплаб илмий-амалий тадқиқотлар аксарият ҳолларда статистик физика ва статистик механика моделларини тадқиқ қилиш каби масалаларга келтирилади. Статистик физикада макроскопик системаларнинг фундаментал қонуниятларини ва тақсимот функцияларини эҳтимоллар назариясига асосланиб топиш ҳамда система ҳолатини характерловчи термодинамик катталикларни ва улар орасидаги муносабатларни топиш муҳим аҳамиятга эга. Термодинамик мувозанат ҳолатида бўлган ихтиёрий системанинг тақсимот функцияси кўриниши биринчи марта америкалик олим Гиббс томонидан аниқланган. Панжарали системаларда спин қийматлари чексиз бўлган моделлар учун Гиббс ўлчовини қуриш физика, статистик механика, кимё, биология ва информацион технологиялардаги баъзи муаммоларни ҳал этишда муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда жаҳонда спин қийматлари тўплами чексиз бўлган панжарали системалар учун Гиббс ўлчовлари тўпламини аниқлаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Спин қийматлари тўплами чексиз бўлган системаларнинг хоссаларини классик усуллар орқали ўрганиш имкониятининг йўқлиги боис, Кэли дарахтида аниқланган спин қийматлари чексиз бўлган моделлар учун Гиббс ўлчовларини топиш масаласи Ҳаммерштейн интеграл тенгламаларининг мусбат ечимларини топишга келтирилади. Бу борада: спин қийматлари саноқли бўлган Ҳамилтонианга мос келувчи асосий ҳолатларни топиш, ҳароратнинг фаза алмашишини таъминловчи критик қийматларини аниқлаш, спин қийматлари саноқли ва саноқсиз бўлган панжарали системаларда Гиббс ўлчовларини аниқлаш ва уларнинг ягона эмаслигини исботлаш мақсадли илмий тадқиқотлардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда фундаментал фанларнининг илмий ва амалий татбиқига эга бўлган статистик механика ва физиканинг долзарб йўналишларига эътибор кучайтирилди. Жумладан, охирги йилларда спин қийматлари чекли бўлган панжарали системаларда аниқланган классик моделлар учун даврий ва даврий бўлмаган, ҳақиқий ва p-адик трансляцион-инвариант Гиббс ўлчовларини қуриш ҳамда ўлчовлар назарияси орқали амалий муаммоларни ҳал этиш борасида салмоқли натижаларга эришилди. «Функционал анализ, математик физика ва статистик физика» фанларининг устивор йўналишлари бўйича халқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш математика фанининг асосий вазифалар ва фаолият йўналишлари этиб белгиланди[1]. Қарор ижросини таъминлашда илмий натижалардан илм-фаннинг турдош соҳаларида фойдаланиш мақсадида панжарали системаларда спин қийматлари чексиз бўлган моделлар учун Гиббс ўлчовлари назариясини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси 2017 йил 18 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 292-сонли қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947 Фармони, 2019 йил 9 июлдаги «Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг В.И.Романовский номидаги Математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4387 Қарорлари ва 2020 йил 7 майдаги «Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4708-сонли Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи[2].

Панжарали системаларда Гиббс ўлчовлари назарияси бўйича илмий изланишлар етакчи хорижий давлатларнинг илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Индиана университети (АҚШ), Берлин Вейерштрасс илмий текшириш институти, Берлин техника университети, Бонн университети ва Бохум Рур университети (Германия), Назарий физика халқаро маркази ва Ла Сапиенса Рим университети (Италия), Марсель университети ва Париж университети (Франция), Кембридж университети ва Лидс университети (Буюк Британия), Мельбурн университети (Автралия), Сан-Паулу университети (Бразилия), Малайзия халқаро ислом университети (Малайзия), Цзянси педагогика унверситети ва Пекин педагогика университетида (Хитой) олиб борилмоқда.

Охирги йилларда панжарали системаларда Гиббс ўлчовларини топиш бўйича олинган натижаларни тадқиқ қилишга оид олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор долзарб масалалар ечилган. Жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: Гиббс ўлчовлари ягона бўлмайдиган саноқсиз спин қийматли моделлар қурилган (Берлин Вейерштрасс илмий текшириш институти, Берлин техника университети), ихтиёрий тартибли Кэли дарахтида ферромагнит Поттс модели учун трансляцион-инвариант Гиббс ўлчовлари тўлиқ таснифланган (Бохум Рур университети), уч ҳолатли қаттиқ диск моделлари учун Гиббс ўлчовларининг мавжудлиги исботланган (Кембридж университети, Лидс университети), қаттиқ диск моделлари ҳамда SOS модели учун Гиббс ўлчовларининг ягона эмаслиги исботланган (Марсель университети, Париж университети), Кэли дарахтида ўзаро рақобатлашувчи

---

[2] Диссертация мавзуси бўйича хорижий тадқиқотлар шарҳи: Mathematical Physics, Analysis and Geometry https://www.springer.com/journal/11040/, The Annals of Probability http://www.imstat.org/aop/, Positivity https://www.springer.com/journal/11117, Journal of Siberian Federal University: Mathematics and Physics http://journal.sfu-kras.ru/en/series/mathematics_physics ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

таъсирга эга Изинг модели учун парамагнетик, ферромагнетик ва антиферромагнетик фазалар алмашишлари топилган (Мелбурон университети), Изинг модели учун $(k_0)-$трансляцион-инвариант бўлган Гиббс ўлчовлари топилган (Малайзия халқаро ислом университети), Ашкин-Теллер модели учун фаза алмашишлари мавжудлиги исботланган (Цзянси педагогика унверситети, Пекин педагогика университети).

Дунёда бугунги кунда статистик механика ва физиканинг панжарали системаларда аниқланган моделлари учун Гиббс ўлчовларини аниқлаш ва уларни татбиқ этиш бўйича бир қатор изланишлар, жумладан, спин қийматлари сони саноқли бўлган моделлар учун Гиббс ўлчовларининг мавжудлик шартларини топиш; спин қийматлари саноқли бўлган Ҳамилтонианга мос келувчи асосий ҳолатлар ва кучсиз асосий ҳолатларни топиш; ҳароратнинг фаза алмашишини таъминловчи критик қийматларини аниқлаш; интеграл тенгламалардан фойдаланиб спин қийматлари саноқсиз бўлган панжарали системаларда Гиббс ўлчовларини аниқлаш каби устувор йўналишларда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Статистик физикада ташқи системалар билан иссиқлик мувозанатида бўлган системанинг микроҳолатлардаги энергия қийматлари Гиббснинг каноник тақсимоти билан тавсифланади. Америкалик олим Дж.У.Гиббс томонидан мувозанат ҳолатининг тақсимот функциясини аниқлашда термодинамик мувозанатдаги ёпиқ система микроҳолатлари тенг эҳтимолларга эга эканлиги исботланган. Р.Л.Добрушин, О.Ленфорд ва Д.Рюэллар томонидан лимит Гиббс ўлчовларининг умумий характеристикаси келтирилган. Лимит Гиббс ўлчовининг мавжудлиги ҳақидаги теорема Р.Л.Добрушин томонидан исботланган. Панжарали системаларда фаза алмашишларнинг асосий назарияси эса С.А.Пирогов ва Я.Г.Синай ишларида ёритилган. Немис олими Ҳ.Георгининг ишларида Гиббс ўлчовлари ва фаза алмашишлар орасидаги боғлиқликлар батафсил баён этилган.

Спин қийматлари чекли бўлган ҳолларда Кэли дарахтида аниқланган моделлар учун Гиббс ўлчовларини тадқиқ қилиш учун Марков тасодифий майдонларига боғлиқ бўлган рекуррент тенгламалардан фойдаланилади. К.Престон, Ф.Спитцер, П.М.Блехер, Ж.Руиз, В.Загребнов ва Д.Иоффеларнинг ишларида Кэли дарахтида Изинг модели учун трансляцион-инвариант Гиббс ўлчовлари ва асосий ҳолатларнинг структуралари ўрганилган. Изинг модели учун континуумта Гиббс ўлчовлари мавжудлиги П.М.Блехер ва Н.Ғаниходжаевлар томонидан исботланган. М.Фаннес, Б.Начтергаеле ва Р.Вернерлар томонидан Кэли дарахтида VBS моделининг асосий ҳолатлари топилган. Кэли дарахтида аниқланган Поттс, Андерсон, Z(M) ва бошқа моделлар учун асосий ҳолатлар, Гиббс ўлчовлари Ф.Ҳаласан, А.Клейн, Ж.Миллер, Ҳ.Мораал, Н.Ғаниходжаев, Ў.Розиқов, М.Рахматуллаев, Р.Хакимов ва Ф.Мухамедовларининг ишларида ўрганилган. Шунингдек, Н.Ғаниходжаев, Ў.Розиқов ва Ф.Мухаммедовларнинг ишларида Кэли дарахтида етарлича кенг синфдаги Ҳамилтонианлар учун турли Гиббс ўлчовларининг мавжудлиги контур усуллар (Пирогов-Синай назарияси) ёрдамида кўрсатилган.

Спин қийматлар тўплами континуум бўлган қўшни таъсирли Айзенберг модели М.Лакшманан томонидан ўрганилган. Спин қийматлари саноқли бўлган Поттс модели Н.Ғаниходжаевнинг ишларида ўрганилган. Кэли дарахтида аниқланган саноқли спин қийматга эга Поттс модели учун Гиббс ўлчовлари Н.Ғаниходжаев ва Ў.Розиқовларининг ишларида ўрганилган. Ў.Розиқов, Ю.Эшқобилов ва Ф.Ҳайдаровнинг ишларида континуум спин қийматли, қўшни таъсирли моделлар учун даврий Гиббс ўлчовларининг мавжудлиги ҳамда камида иккита даврий Гиббс ўлчовларига эга бўлган континуум спин қийматли, қўшни таъсирли моделлар қурилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси ва илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат университетининг Ф-4-07 «Статистик физика моделларининг чизиқли бўлмаган интеграл тенгламалари ва уларнинг татбиқлари» (2012-2016), Ф-4-02 «Математик физиканинг ҳолатлар тўплами чексиз бўлган моделлари термодинамикаси» (2017-2020), Математика институтининг ЁФ-4-3+ЁФ-4-4 «Саноқли графларда спин системаларнинг эҳтимоллик ўлчовлари ва Ли алгебраларнинг тасвирлари ёрдамида ҳосил қилинувчи Лейбниц алгебралари» (2016-2017) ва ОТ-Ф4-82 «Операторлар ва ноассоциатив алгебраларда локал дифференциаллаш ва автоморфизмлар, ночизикли динамик системаларда фаза алмашишлар ва хаос» (2017-2020) мавзусидаги илмий тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади спин қийматлари тўплами чексиз (саноқли ёки саноқсиз) бўлган моделлар учун Гиббс ўлчовларини ўрганиш ва спин қийматлари саноқсиз бўлган моделлар учун Гиббс ўлчовларининг ягона эмаслиги (фаза алмашиш)ни таъминловчи ҳароратнинг критик қийматларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

спин қийматлари континуум бўлган Ҳамилтонианлар учун Гиббс ўлчовларини топиш;

берилган Ҳамилтониан параметрларига қўйилган маълум шартларда Гиббс ўлчовлари ягона эмаслигини исботлаш;

маълум Гиббс ўлчовлари ёрдамида янги Гиббс ўлчовларининг континуум тўпламини қуриш;

спин қийматлари саноқли бўлган Поттс модели учун асосий ҳолатларни қуриш;

Тадқиқотнинг объекти: Кэли дарахти, панжарали моделлар, асосий ҳолатлар, Гиббс ўлчови, Ҳаммерштейн интеграл оператори.

Тадқиқотнинг предмети: Группалар ва графлар назарияси, алгебра ва сонлар назарияси, Гиббс ўлчовлари назарияси, ночизиқли интеграл тенгламалар назарияси.

Тадқиқотнинг усуллари: Тадқиқот ишида функционал анализ, группалар назарияси, ўлчовлар назарияси ва ночизиқли интеграл тенгламалар назарияси усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ихтиёрий тартибли Кэли дарахтида XY модел учун ҳароратнинг фаза алмашишини таъминловчи критик қиймат аниқланган;

камида иккита даврий Гиббс ўлчовларига эга бўлган континуум спин қийматли, қўшни таъсирли моделлар қурилган;

маълум Гиббс ўлчовлари ёрдамида янги Гиббс ўлчовларининг континуум тўпламлари қурилган;

спин қийматлари саноқли бўлган Поттс модели учун кучсиз даврий асосий ҳолатлар топилган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари

Кэли дарахтида аниқланган моделлар учун Гиббс ўлчовлари тўпламидан панжарали системаларда фаза алмашишлари мавжудлигини текширишда қўлланилган;

Кэли дарахтида спин қийматлари тўплами чексиз бўлган модделар учун аниқланган трансляцион-инвариант Гиббс ўлчовлари тўпламини тавсифлаш усулларидан, панжарали системалар ҳолатини характерловчи термодинамик катталиклар ва улар орасидаги асосий муносабатларни топишда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Функционал анализ, Гиббс ўлчовлари назарияси, ночизиқли операторлар назарияси усулларидан ва қўзғалмас нуқталар ҳақидаги теоремалардан фойдаланилган. Олинган натижалар математик жиҳатдан тўғри исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Кэли дарахтида спин қийматлари чексиз бўлган статистик механиканинг турли моделлари учун Гиббс ўлчовлари ва асосий ҳолатларни топиш орқали термодинамик хоссаларни ўрганишда қўлланилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти физик системалар ҳолатининг ўзгариши тадқиқ қилинганлиги ҳамда ҳароратнинг фаза алмашишини таъминловчи критик қийматлари аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Спин қийматлари тўплами чексиз бўлган панжарали системалар учун Гиббс ўлчовлари бўйича олинган натижалар асосида:

Спин қийматлари тўплами саноқсиз бўлган моделлар учун Гиббс ўчловларидан ЁОТ-ФТЕХ-2018-154 рақамли грант лойиҳасида статистик механиканинг айрим классик моделларининг умумлашмаси бўлган моделлар учун трансляцион-инвариант Гиббс ўлчовлари тўпламини таснифлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 2 ноябрдаги № 89-03-4233-сонли маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши ночизиқли интеграл операторлар назариясида учрайдиган айрим ночизиқли интеграл операторлар спектрларини таҳлил қилиш имконини берган;

Спин қийматлар тўплами саноқли бўлган моделларнинг асосий ҳолатлари ва Гиббс ўлчовларидан FRGS-14-116-0357 рақамли хорижий грант лойиҳасида панжарали системаларда спин қийматлари чексиз бўлган моделларнинг фаза алмашишларини топишда фойдаланилган (Малайзия Халқаро Ислом университетининг 2019 йил 16 августдаги маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши физика ва биологияда панжарали системаларнинг термодинамик хоссаларини ўрганиш имконини берган;

Панжарали системаларда спин қийматлари саноқли ва саноқсиз бўлган моделлар учун топилган Гиббс ўлчовлари тўпламидан хорижий илмий журналлардаги мақолаларда (Positivity, 2016; Stochastic Processes and their Applications, 2017; Theoretical and Mathematical Physics, 2017; Украинский математический журнал, 2020) континуум спин қийматли моделларнинг Гиббс ўлчовларини тавсифлашда фойдаланилган. Илмий натижанинг қўлланилиши қаралаётган физик системаларнинг термодинамикасини таҳлил қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 29 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг фан доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан, 10 таси хорижий ва 4 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 155 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Шунингдек, бу қисмда диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Панжарада аниқланган Гиббс ўлчовлари ва унинг татбиқлари**» деб номланувчи биринчи бобида асосий натижаларни олишда зарур бўлган муҳим тушунчалар, спин қийматлар тўплами саноқли ва саноқсиз бўлган моделлар учун аниқланган Гиббс ўлчовлари ҳамда уларнинг татбиқлари батафсил баён этилган. Шунингдек, ихтиёрий тартибли Кэли дарахтида XY модели учун ҳароратнинг фаза алмашишини таъминловчи критик қийматлари аниқланган.

Ҳар бир учидан $k+1$ та қирра чиқувчи циклик бўлмаган чексиз графга k-тартибли Кэли дарахти деб аталади ва у $\Im^k = (V, L)$, $k \geq 1$ каби белгиланади. Бу ерда $V-$ учлар тўплами, L эса қирралар тўплами. Агар x ва y учлар $l \in L$ қирранинг учлар бўлса энг яқин қўшнилар дейилади ва $l =< x, y >$ каби белгиланади. Кэли дарахтида $x, y \in V$ учлар орасидаги $d(x, y)$ масофа ушбу формула орқали аниқланади

$$d(x,y) = \min\{d | \exists x = x_0, x_1, \ldots, x_{d-1}, x_d = y \in V, < x_0, x_1 >, \ldots, < x_{d-1}, x_d >\}.$$

Фиксирланган $x^0 \in V$ учун қуйидагича белгилашлар киритамиз:

$$W_n = \{x \in V \mid d(x, x^0) = n\}, \qquad V_n = \{x \in V \mid d(x, x^0) \leq n\},$$

$$L_n = \{l =< x, y > \in L \mid x, y \in V_n\}$$

ва $S(x) = \{y \in W_{n+1}: d(x, y) = 1\}$, $x \in W_n$ тўплам билан x нинг тўғри авлодлари тўплами дейилади.

G_k билан иккинчи тартибли $k+1$ та циклик группаларнинг эркин кўпайтмасини ва $a_1, a_2, \ldots, a_{k+1}$ лар билан ушбу группанинг ясовчиларини белгилайлик.

Н.Ғаниходжаев ва Ў.Розиқовнинг илмий ишларида $\Im^k$. Кэли дарахтининг учлари тўплами V ҳамда G_k группанинг элементлари ўртасида ўзаро бир қийматли мослик ўрнатилган ва бу группанинг хоссалари ўрганилган.

Айтайлик,$\Phi \subset \mathbb{R}$ тўплам берилган бўлсин. Кэли дарахтининг $V-$учлари тўпламининг бирор бўш бўлмаган A қисм тўпламида аниқланган $\sigma_A: A \to \Phi$ акслантиришга A тўпламдаги спин қийматлари Φ тўпламдан бўлган *конфигурация* дейилади. Одатда берилган спин қийматлар тўплами маълум бўлгани учун шунчаки, A тўпламдаги конфигурация дейилади. A тўпламда аниқланган барча конфигурациялар тўпламини $\Omega_A = \Phi^A$ билан белгилаймиз.

Шунингдек, σ орқали V тўпламдаги ($x\in V \longmapsto \sigma(x)\in\Phi$) конфигурацияни ва ўз навбатида V тўпламда аниқланган барча конфигурациялар тўпламини $\Omega := \Phi^V$ билан белгилаймиз.

$\Phi = [0,2\pi)$ учун Ω тўпламда қуйидаги Ҳамилтонианни қараймиз:

$$H(\sigma) = -J \sum_{<x,y>\in L} \cos\big(\sigma(x)-\sigma(y)\big) - h\sum_{x\in V}\cos\big(\sigma(x)\big). \tag{1}$$

бу ерда $J \in \mathbb{R} \setminus \{0\}$.

Ихтиёрий $n = 1,2,\ldots$ натурал сон учун, Ω_{V_n} тўпламда қуйидагича аниқланган $\mu^{(n)}$ эҳтимоллик ўлчовини қараймиз:

$$\mu^{(n)}(\sigma_n) = Z_n^{-1}\exp\left(-\beta H(\sigma_n) + \sum_{x\in W_n} h_{\sigma(x),x}\right), \tag{2}$$

бу ерда $\beta = \frac{1}{T}$ ва $T > 0$ температура.

Агар ихтиёрий $n \geq 1$ ва $\sigma_{n-1} \in \Omega_{V_{n-1}}$ учун ушбу

$$\int_{\Omega_{W_n}} \mu^{(n)}(\sigma_{n-1}\cup\omega_n)\lambda_{W_n}(d(\omega_n)) = \mu^{(n-1)}(\sigma_{n-1}) \tag{3}$$

тенглик ўринли бўлса, у ҳолда $\mu^{(n)}$ эҳтимоллик ўлчовлари кетма-кетлиги *мувофиқлашган* дейилади. Бу ерда $\lambda_{W_n}(d(\omega_n)) = \prod_{x\in W_n}\lambda(dx)$ ҳамда λ Лебег ўлчови.

Теорема 1. *(2) кўринишдаги $\mu^{(n)}(\sigma_n), n = 1,2,\ldots$ эҳтимоллик ўлчовлари кетма-кетма кетлиги мувофиқлашган бўлиши учун ихтиёрий $x \in V\setminus\{x^0\}$ олинганда ҳам қуйидаги тенглик ўринли бўлиши зарур ва етарли:*

$$f(t,x) = \prod_{y\in S(x)} \frac{\int_0^{2\pi}\exp\big(J\beta\cos(t-u) - h\beta\cos(u)\big)f(u,y)du}{\int_0^{2\pi}\exp\big(J\beta\cos(u) - h\beta\cos(u)\big)f(u,y)du} \tag{4}$$

Бу ерда, $f(t,x) = \exp(h_{t,x} - h_{0,x}), t\in[0,2\pi)$ ва $du = \lambda(du)$ Лебег ўлчови.

Теорема 2. *Айтайлик температура учун қуйидаги тенгсизлик ўринли бўлсин:*

$$T > \frac{2k(|J|+|h|)}{\ln\frac{1+\sqrt{1+4k^2}}{2k}}. \tag{5}$$

У ҳолда (1) модел ягона Гиббс ўлчовига эга бўлади.

Диссертациянинг «**Спин қийматлари [0,1] тўпламидан бўлган моделлар учун Гиббс ўлчовлари**» деб номланувчи иккинчи бобида камида иккита даврий Гиббс ўлчовларига эга бўлган континуум спин қийматли, қўшни таъсирли моделлар қурилган.

Иккинчи бобнинг биринчи параграфида ихтиёрий тартибли Γ^k Кэли дарахтида аниқланган модел учун трансляцион-инвариант Гиббс ўлчовлари ягона эмаслигини аниқловчи критик қийматлар топилган.

$\Phi = [0,1]$ учун Ω_V тўпламда қуйидаги Ҳамилтонианни қараймиз:

$$H(\sigma) = -J \sum_{\langle x,y\rangle \in L} \xi_{\sigma(x),\sigma(y)}, \tag{6}$$

бу ерда $J \in \mathbb{R} \setminus \{0\}$ ва $\xi: (u,v) \in [0,1]^2 \to \xi_{u,v} \in \mathbb{R}$ чегараланган, Лебег маъносида ўлчовли функция.

Ихтиёрий $k \in N$ учун $C^{+}[0,1] = \{f \in C[0,1]: f(x) \geq 0\}$ синфда H_k интеграл оператор ушбу кўринишда бўлсин:

$$(H_k f)(t) = \int_0^1 K(t,u) f^k(u)du, \quad k \in N. \tag{7}$$

H_k операторга k-тартибли Ҳаммерштейн интеграл оператори дейилади. Таъкидлаш жоизки, агар $k \geq 2$ бўлса, у ҳолда k-тартибли Ҳаммерштейн интеграл оператори ночизиқли оператор бўлади.

Ў.Розиқов, Ю.Эшқобилов ва Ф.Ҳайдаровларнинг ишларидан маълумки, (6) модел учун трансляцион-инвариант Гиббс ўлчовлар тўплами Ҳаммерштейн интеграл операторининг қўзғалмас нуқталари орқали ифодаланади. Яъни, Кэли дарахтида аниқланган (6) модел учун Гиббс ўлчовлари ушбу интеграл тенгламанинг ечимлари орқали ифодаланади:

$$f(t,x) = \prod_{y \in S_k(x)} \frac{\int_0^1 K(t,u) f(u,y)du}{\int_0^1 K(0,u) f(u,y)du}, \tag{8}$$

бу ерда, $K(t,u) = \exp(J\beta\xi_{tu})$, $f(t,x) > 0,\ x \in V, t \in [0,1]$ номаълум функция ва $du = \lambda(du)$ Лебег ўлчови.

Айтайлик, $k \geq 2$ бўлсин. Агар (6) моделдаги $\xi_{\sigma(x)\sigma(y)}$ функция қуйидаги кўринишда бўлса

$$\xi_{t,u} = \xi_{t,u}(\theta,\beta) = \frac{1}{\beta}\ln\left(1 + \theta \sqrt[2n+1]{4\left(t-\frac{1}{2}\right)\left(u-\frac{1}{2}\right)}\right), \qquad t,u \in [0,1] \tag{9}$$

бу ерда $0 \leq \theta < 1$, у ҳолда k-тартибли Ҳаммерштейн операторининг ядроси қуйидагича бўлади:

$$K(t,u) = 1 + \theta \sqrt[2n+1]{4\left(t-\frac{1}{2}\right)\left(u-\frac{1}{2}\right)}. \tag{10}$$

Қуйидагича белгилашларни киритамиз:

$$|k|_{\text{even}}=\begin{cases} k, & \text{агар } k \text{ жуфт,}\\ k-1, & \text{агар } k \text{ ток}\end{cases} \quad \text{ва} \quad |k|_{\text{odd}}=\begin{cases} k, & \text{агар } k \text{ ток}\\ k-1, & \text{агар } k \text{ жуфт.}\end{cases}$$

$V_k\colon (x,y)\in\mathbb{R}^2\to(C_1,C_2)\in\mathbb{R}^2$ оператор қуйидагича аниқлансин:

$$V_{k,n}(x,y)=\begin{cases}\displaystyle\sum_{i=0,2,\ldots,|k|_{\text{жуфт}}}\binom{k}{i}\frac{2n+1}{2n+1+i}\cdot 2^{\frac{i}{2n+1}}x^{k-i}(\theta y)^i\\ \displaystyle\sum_{i=1,3,\ldots,|k|_{\text{ток}}}\binom{k}{i}\frac{2n+1}{2n+2+i}\cdot 2^{\frac{i-1}{2n+1}}x^{k-i}(\theta y)^i\end{cases} \tag{11}$$

Тасдиқ 3. *Берилган* $\varphi\in C[0,1]$ *функция* k*-тартибли Ҳаммерштейн интеграл операторининг қўзғалмас нуқтаси бўлиши учун унинг қуйидаги кўринишда бўлиши зарур ва етарли:*

$$\varphi(t)=C_1+C_2\theta\sqrt[2n+1]{4(t-\frac{1}{2})},$$

бу ерда $(C_1,C_2)\in\mathbb{R}^2$ *жуфтлик (11) кўринишдаги* $V_{k,n}$ *операторнинг қўзғалмас нуқталари.*

Теорема 4. *Ихтиёрий* $n\in\mathbb{Z}_+$ *ва* $k\geq 2$ *учун* $\theta_c=\dfrac{2n+3}{k(2n+1)}$ *ўринли бўлса, у ҳолда (8) модел учун қуйидаги тасдиқлар ўринли:*

(i) $0\leq\theta\leq\theta_c$ *ҳолда трансляцион-инвариант Гиббс ўлчови ягона;*

(ii) $\theta_c<\theta<1$ *ҳолда трансляцион-инвариант Гиббс ўлчовлари учта.*

Иккинчи бобнинг иккинчи параграфида иккинчи ва учинчи тартибли Кэли дарахтида аниқланган модел учун фаза алмашишлари кўрсатилган. Хусусан, $k=3$ ва $n=1$ бўлганда $V_{3,1}\colon (x,y)\in\mathbb{R}^2\to(x',y')\in\mathbb{R}^2$ оператор ушбу кўринишга эга бўлади:

$$\begin{cases} x'=x^3+\dfrac{18}{5}\cdot\dfrac{\theta^2}{\sqrt[3]{2}}xy^2,\\ y'=\dfrac{9}{5}\theta x^2y+\dfrac{6}{7}\cdot\dfrac{\theta^3}{\sqrt[3]{2}}y^3\end{cases} \tag{12}$$

Тасдиқ 5. *а) Агар* $0\leq\theta\leq\dfrac{5}{9}$ *бўлса, у ҳолда 3-тартибли Ҳаммерштйен оператори ягона мусбат қўзғалмас нуқтага эга;*

б) Агар $\dfrac{5}{9}<\theta<1$ *бўлса, у ҳолда 3-тартибли Ҳаммерштйен оператори фақат учта мусбат қўзғалмас нуқтага эга.*

Агар $0 \leq \theta \leq \frac{5}{9}$ бўлса, 5-тасдиққа кўра H_3 оператор ягона $\varphi(t) = \varphi_1(t) \equiv 1$ қўзғалмас нуқтага эга бўлади. Агар $\frac{5}{9} < \theta < 1$ бўлса, у ҳолда ҳолда бу оператор қуйидаги мусбат қўзғалмас нуқталарга эга бўлади:

$$\varphi_1(t) \equiv 1, \qquad \varphi_2(t) = x_1^{+} + y_1^{+}\theta\sqrt[3]{4\left(t - \frac{1}{2}\right)}, \qquad \varphi_2(t) = x_1^{+} + y_1^{-}\theta\sqrt[3]{4\left(t - \frac{1}{2}\right)}.$$

Теорема 6. *Учинчи тартибли Кэли дарахтида аниқланган (6) модел учун қуйидаги тасдиқлар ўринли:*

а) агар $0 \leq \theta \leq \frac{5}{9}$ *тенгсизлик ўринли бўлса, у ҳолда трансляцион-инвариант Гиббс ўлчови ягона;*

б) агар $\frac{5}{9} < \theta < 1$ *тенгсизлик ўринли бўлса, у ҳолда трансляцион-инвариант Гиббс ўлчовлари учта.*

Иккинчи бобнинг учинчи параграфида ихтиёрий тартибли Кэли дарахтида аниқланган модел учун фаза алмашишлари кўрсатилган. Яъни, $k \geq 2$, $n = 1$ учун $V_{k,1}: (x, y) \in \mathbb{R}^2 \to (x', y') \in \mathbb{R}^2$ оператор ушбу кўринишга эга бўлади:

$k \geq 2$ жуфт тартибли Кэли дарахтларида	$k \geq 3$ тоқ тартибли Кэли дарахтларида
$V_k(x,y) = \begin{cases} x' = 3 \sum\limits_{l=0,2,\dots,k} \binom{k}{l} x^l \left(\sqrt[3]{2}\theta y\right)^{k-l} A_k(l) \\ y' = 3 \sum\limits_{l=1,3,\dots,k-1} \binom{k}{l} x^l \left(\sqrt[3]{2}\theta y\right)^{k-l} B_k(l) \end{cases}$	$V_k(x,y) = \begin{cases} x' = 3 \sum\limits_{l=1,3,\dots,k} \binom{k}{l} x^l \left(\sqrt[3]{2}\theta y\right)^{k-l} A_k(l) \\ y' = 3 \sum\limits_{l=0,2,\dots,k-1} \binom{k}{l} x^l \left(\sqrt[3]{2}\theta y\right)^{k-l} B_k(l) \end{cases}$

Тасдиқ 7. *а) Агар* $0 \leq \theta \leq \frac{5}{3k}$ *бўлса, у ҳолда* k*-тартибли Ҳаммерштейн интеграл оператори ягона мусбат қўзғалмас нуқтага эга;*

б) Агар $\frac{5}{3k} < \theta < 1$ *бўлса, у ҳолда* k*-тартибли Ҳаммерштейн интеграл оператори фақат учта мусбат қўзғалмас нуқтага эга.*

Агар $0 \leq \theta \leq \frac{5}{3k}$ бўлса, 7-тасдиққа кўра H_k оператор ягона қўзғалмас $\varphi(t) = \varphi_1(t) \equiv 1$ нуқтага эга бўлади. Агар $\frac{5}{3k} < \theta < 1$ бўлса, у ҳолда бу оператор қуйидаги мусбат қўзғалмас нуқталарга эга бўлади:

$$\varphi_1(t) \equiv 1, \qquad \varphi_2(t) = x_0 + y_0\theta\sqrt[3]{4\left(t - \frac{1}{2}\right)}, \qquad \varphi_2(t) = x_0 - y_0\theta\sqrt[3]{4\left(t - \frac{1}{2}\right)}.$$

Теорема 8. *k-тартибли Кэли дарахтида аниқланган (6) модел учун қуйидагилар ўринли:*

а) агар $0\le\theta\le\dfrac{5}{3k}$ *тенгсизлик бажарилса, у ҳолда трансляцион-инвариант Гиббс ўлчови ягона;*

б) агар $\dfrac{5}{3k}<\theta<1$ *тенгсизлик бажарилса, у ҳолда трансляцион-инвариант Гиббс ўлчовлари учта.*

Иккинчи бобнинг тўртинчи параграфида 2-тартибли Кэли дарахтида аниқланган модел учун фаза алмашишлари кўрсатилган. Яъни, $k=2,\ n\ge1$ бўлганда $V_{2,n}\colon (x,y)\in\mathbb{R}^2\to(x',y')\in\mathbb{R}^2$ оператор ушбу кўринишга эга бўлади:

$$\begin{cases} x'=x^2+\dfrac{2n+1}{2n+3}\cdot\sqrt[2n+1]{4}\theta^2y^2, \\ y'=2\cdot\dfrac{2n+1}{2n+3}\theta\cdot x\cdot y \end{cases}$$

Тасдиқ 9. *а) Агар* $0\le\theta\le\dfrac{2n+3}{2(2n+1)}$ *бўлса, у ҳолда 2-тартибли Ҳаммерштейн интеграл оператори ягона мусбат қўзғалмас нуқтага эга;*

б) Агар $\dfrac{2n+3}{2(2n+1)}<\theta<1$ *бўлса, у ҳолда 2-тартибли Ҳаммерштейн интеграл оператори фақат учта мусбат қўзғалмас нуқтага эга.*

Агар $0\le\theta\le\dfrac{2n+3}{2(2n+1)}$ ўринли бўлса, у ҳолда 9-тасдиққа кўра H_2 оператор ягона қўзғалмас $\varphi(t)=\varphi_1(t)\equiv1$ нуқтага эга бўлади. Агар $\dfrac{2n+3}{2(2n+1)}<\theta<1$ бўлса, у ҳолда бу оператор қуйидаги мусбат қўзғалмас нуқталарга эга бўлади: $\varphi_1(t)\equiv1$ ва

$$\varphi_2(t)=\frac{2n+3}{2(2n+1)\cdot\theta}\cdot\left(1+\sqrt{\frac{2(2n+1)\cdot\theta-(2n+3)}{2n+1}}\cdot\sqrt[2n+1]{2\left(t-\frac{1}{2}\right)}\right),$$

$$\varphi_3(t)=\frac{2n+3}{2(2n+1)\cdot\theta}\cdot\left(1-\sqrt{\frac{2(2n+1)\cdot\theta-(2n+3)}{2n+1}}\cdot\sqrt[2n+1]{2\left(t-\frac{1}{2}\right)}\right).$$

Теорема 10. *Учинчи тартибли Кэли дарахтида аниқланган (6) модел учун қуйидагилар ўринли:*

а) агар $0\le\theta\le\dfrac{2n+3}{2(2n+1)}$ *тенгсизлик бажарилса, у ҳолда трансляцион-инвариант Гиббс ўлчови ягона;*

b) агар $\frac{2n+3}{2(2n+1)} < \theta < 1$ *ўринли бўлса, у ҳолда трансляцион-инвариант Гиббс ўлчовлари учта.*

Диссертациянинг «**Спин қийматлари саноқсиз тўпламидан бўлган моделлар учун трансляцион-инвариант бўлмаган Гиббс ўлчовлари**» деб номланувчи учинчи бобида маълум Гиббс ўлчовлари ёрдамида янги Гиббс ўлчовларининг континуум тўпламлари қурилган.

Учинчи бобнинг биринчи параграфида зарурий таърифлар берилган ҳамда маълум Гиббс ўлчовларидан ART (H.Akin, U.Rozikov, S.Temir) конструкцияси ёрдамида янги Гиббс ўлчовларининг континуум тўпламлари ҳосил қилинган.

Изинг модели учун k_0 тартибли Кэли дарахтидаги маълум Гиббс ўлчовларидан фойдаланиб $k>k_0$ тартибли Кэли дарахтида янги Гиббс ўлчовларини қуриш конструкцияси дастлаб, Ҳ.Акин, Ў.Розиқов ва С.Темирларнинг илмий ишларида берилган.

Ихтиёрий тартибли Кэли дарахтида (6) модел учун барча Гиббс ўлчовлари тўпламини $G_k(H)$ билан белгилаймиз.

Теорма 11. *Ихтиёрий* $k_0, k \in \{2,3,...\}$, $k > k_0$ *сонлар берилган бўлсин. Агар* $\left|G_{k_0}(H)\right| \geq 2$ *бўлиб,* $K(t,u)$ *учун*

$$\int_0^1 \left(K(t,u) - K(0,u)\right) du = 0, \quad \forall t \in [0,1], \tag{13}$$

ўринли бўлса, у ҳолда ихтиёрий $\mu \in G_{k_0}(H)$ *учун* $\nu = \nu(\mu) \in G_k(H)$ *Гиббс ўлчови мавжуд.*

Мисол. Айтайлик, $k=2$ ва (6) моделдаги ξ_{tu} функция ушбу кўринишда бўлсин:

$$\xi_{tu} = \frac{1}{\beta J} \ln\left(1 + \theta \cdot \sqrt[5]{4\left(t - \frac{1}{2}\right)\left(u - \frac{1}{2}\right)}\right), \quad t,u \in [0,1].$$

У ҳолда Ҳаммерштейн интеграл операторининг ядроси қуйидагича бўлади:

$$K(t,u) = 1 + \theta \cdot \sqrt[5]{4\left(t - \frac{1}{2}\right)\left(u - \frac{1}{2}\right)}, \quad t,u \in [0,1].$$

Диссертациянинг иккинчи бобида берилган модел учун (13) тенглик ўринли бўлганда камида учта Гиббс ўлчовлари мавжудлиги кўрсатилган.

Учинчи бобнинг иккинчи параграфида маълум Гиббс ўлчовларидан фойдаланиб, Блехер-Ғаниходжаев (Bleher-Ganikhodjaev) конструкцияси ёрдамида янги Гиббс ўлчовларининг континуум тўплами ҳосил қилинган.

$\Im^k$ Кэли дарахтини $\Im_0^k$ ва $\Im_1^k$ каби иккита дарахтга ажратиб оламиз. Биз $\Im_0^k$ ярим дарахтни қараймиз ва V^0 билан унинг учлари тўпламини белгилаймиз.

Ушбу кўринишда $h(t,x)=\ln f(t,x)$ белгилаш киритиб (8) тенгликни қуйидагича ифодалаймиз:

$$h(t,x)=\sum_{y\in S_k(x)}\ln\frac{\int_0^1 K(t,u)e^{h(u,y)}du}{\int_0^1 K(0,u)e^{h(u,y)}du} \tag{14}$$

У ҳолда (14) га кўра (8) формула билан аниқланган узлуксиз функция қуйидаги чизиқсиз интеграл оператор орқали ифодаланади:

$$Af(t)=\ln\frac{\int_0^1 K(t,u)e^{f(u)}du}{\int_0^1 K(0,u)e^{f(u)}du}, \tag{15}$$

бу ерда $K(t,u)>0$.

12-ШАРТ. Фараз қилайлик $[0,1]^2$ тўпламда $K(t,u)>0$ узлуксиз бўлиб, шундай $\alpha\equiv\alpha_K\in[0,1)$ мавжуд бўлсинки, қуйидаги тенгсизлик бажарилсин:

$$|Af(t)-Ag(t)|\leq\alpha|f(t)-g(t)|, \quad \forall f,g\in C[0,1], \forall t\in[0,1].$$

13-ШАРТ. Фараз қилайлик, (14) тенгламанинг иккита $h(t,x)\equiv h(t)\in C[0,1]$ ва $h(t,x)\equiv\eta(t)\in C[0,1]$ трансляцион-инвариант ечимлари мавжуд бўлсин.

Изоҳ. Агар 12-ШАРТ бажарилса, у ҳолда 13-ШАРТ фақат $\frac{1}{k}\leq\alpha<1$ бўлгандагина бажарилади.

Биз $h(t)$ ва $\eta(t)$ дан фойдаланиб (15) операторнинг янги саноқсизта ечимларини топамиз.

Айтайлик, $\pi=\{x^0=x_0<x_1<...\}$ чексиз йўл бўлсин (ушбу $x<y$ белгилаш билан y га x орқали борувчи йўлни ифодалаймиз). Бу йўлга мос $h^\pi=\{h^\pi_{t,x}:x\in V^0, t\in[0,1]\}$ сонлар тўпламини аниқлаймиз:

$$h^\pi_{t,x}=\begin{cases} h(t), & \text{if } x\prec x_n,\ x\in W_n, \\ \eta(t), & \text{if } x_n\prec x,\ x\in W_n, \\ h_{t,x_n}, & \text{if } x=x_n, \end{cases} \tag{16}$$

n=1,2,.... бу ерда $x\prec x_n$ (мос равишда $x_n\prec x$) маъноси *x* нуқта π йўлнинг чап (мос равишда ўнг) томонида турганлигини англатади.

Теорема 14. *Агар 12-ШАРТ ва 13-ШАРТлар ўринли бўлса, у ҳолда ихтиёрий чексиз* π *йўл учун (14) ва (16) ни қаноатлантирувчи ягона* $h^\pi=\{h^\pi_{t,x}\}$ *сонлар тўплами мавжуд бўлади.*

Теорема 15. *Агар 12-ШАРТ ва 13-ШАРТлар ўринли бўлса, у ҳолда ихтиёрий* $r \in [0,1]$ *учун шундай* ν_r *трансляцион-инвариант бўлмаган Гиббс ўлчови мавжуд. Шунингдек,* $r \neq l$ *учун* $\nu_r \neq \nu_l$ *ўринли.*

Учинчи бобнинг учинчи параграфида маълум Гиббс ўлчовларидан фойдаланиб, Захари (Zachary) конструкцияси бўйича янги Гиббс ўлчовларининг континуум тўпламлари қурилган.

16-ШАРТ. Фараз қилайлик, берилган $K(t,u)>0$ учун (15) кўринишдаги оператор тескариланувчи бўлсин.

(14) дан қуйидагига эга бўламиз

$$h^{\min}(t) \leq h(t,x) \leq h^{\max}(t), \quad \forall x \in V, \tag{17}$$

бу ерда

$$h^{\min}(t) = k \ln \frac{\min\limits_{u\in[0,1]} K(t,u)}{\max\limits_{u\in[0,1]} K(0,u)}, \qquad h^{\max}(t) = k \ln \frac{\max\limits_{u\in[0,1]} K(t,u)}{\min\limits_{u\in[0,1]} K(0,u)}.$$

Биз 13-ШАРТ ва 16-ШАРТлар асосида (14) функционал тенгламани қаноатлантурувчи континуумта турли $h^{\xi}_{t,x}$ функцияларни қура оламиз, бу ерда $\xi(t)$ қуйидагича аниқланади

$$h^{\min}(t) < \xi(t) < h^{\max}(t), \quad \forall t \in [0,1]. \tag{18}$$

Теорема 17. *Айтайлик, 13-ШАРТ ва 16-ШАРТлар ўринли бўлсин. У ҳолда (17) шартни қаноатлантирувчи ихтиёрий* ξ *учун* μ^{ξ} *Гиббс ўлчови мавжуд. Шунингдек, агар* $\xi \neq \eta$ *бўлса, уларга мос Гиббс ўлчовлари ҳам турли, яъни* $\mu^{\xi} \neq \mu^{\eta}$.

Учинчи бобнинг тўртинчи параграфида Кэли дарахтида спин қийматлари саноқли бўлган SOS (Solid on Solid) модели учун градиент Гиббс ўлчовлари топилган.

$\Phi = \mathbb{Z}$ бўлган SOS моделни қараймиз.

SOS моделининг Ҳамилтониани ушбу кўринишда аниқланади:

$$\mathrm{H}(\sigma) = -\mathrm{J} \sum_{\langle \mathrm{x},\mathrm{y}\rangle \in \mathrm{L}} |\sigma(\mathrm{x}) - \sigma(\mathrm{y})|, \tag{19}$$

бу ерда $J \in \mathbb{R}$ ўзгармас сон.

К.Кулске, А.Линей, Ф.Хеннинг ва Ў.Розиқовларнинг ишида бу моделнинг даврий градиент Гиббс ўлчовлари таърифланган ва уларни қуриш масаласи қуйидаги чексизта номаълумли ночизиқли тенгламалар системасини ечишга келтирилган:

$$z_i = \frac{\nu(i)}{\nu(0)} \left(\frac{\theta^{|i|} + \sum\limits_{j\in Z_0} \theta^{|i-j|} z_j}{1 + \sum\limits_{j\in Z_0} \theta^{|j|} z_j} \right)^k, \tag{20}$$

бу ерда $z_i = \exp(h_i)$, $i \in \mathbb{Z}$.

$u_0 > 0$ учун $u_i = u_0 \sqrt[k]{z_i}$ бўлса, у ҳолда (20) тенгликни қуйидаги

$$u_i = C\left(\sum_{j=1}^{+\infty} \theta^J u_{i-j}^k + u_i^k + \sum_{j=1}^{+\infty} \theta^J u_{i+j}^k\right), \quad i \in \mathbb{Z} \tag{21}$$

кўринишда қайта ёзиб оламиз.

Тасдиқ 18. *Ушбу* $\mathbf{u} = (u_i, i \in Z)$, $u_0 = 1$ *вектор (21) нинг ечими бўлиши учун* u_i $(= \sqrt[k]{z_i})$ *вектор*

$$u_i^k = \frac{u_{i-1} + u_{i+1} - \tau u_i}{u_{-1} + u_1 - \tau}, \; i \in Z, \tag{22}$$

тенгликни қаноатлантириши зарур ва етарли, бу ерда $\tau = \theta^{-1} + \theta$.

Ушбу тасдиқдан қуйидаги тенгликка эга бўламиз

$$1 + l_0 + r_0 = \frac{\theta - \theta^{-1}}{u_{-1} + u_1 - \tau}. \tag{23}$$

(22) тенгламалар системаси қуйидаги иккита ўзаро боғлиқ бўлмаган рекуррент тенгламаларга ажралади:

$$u_{-i-1} = (u_{-1} + u_1 - \tau)u_{-i}^k + \tau u_{-i} - u_{-i+1}, \tag{24}$$

$$u_{i+1} = (u_{-1} + u_1 - \tau)u_i^k + \tau u_i - u_{i-1}, \tag{25}$$

бу ерда $i \geq 1$, $u_0 = 1$ ва u_{-1}, u_1- бирор бошланғич қийматлар.

Шунингдек, агар (25) тенгламанинг ечими u_i бўлса, у ҳолда u_{-i} сони (24) тенгламанинг ечими бўлади. Демак, фақат (25) тенгламани қараш етарли.

(22) тенгламанинг даврий ечимларини қарайлик. Яьни, (22) тенгламанинг ечимлари қуйидаги кўринишда бўлсин:

$$u_n = \begin{cases} 1, & агар \;\; n = 2m, \\ a, & агар \;\; n = 4m - 1, \; m \in Z, \\ b, & агар \;\; n = 4m + 1, \end{cases} \tag{26}$$

бу ерда a ва b бирор мусбат сонлар. Ушбу ҳолда (25) тенглама қуйидаги тенгламалар системасига тенг кучли бўлади:

$$\begin{aligned} (a + b - \tau)b^k + \tau b - 2 = 0 \\ (a + b - \tau)a^k + \tau a - 2 = 0. \end{aligned} \tag{27}$$

(27) тенгламалар системасининг мусбат ечимларини топиш орқали қуйидаги теорема исботланди.

Теорема 19. *Айтайлик,* $\mathrm{k} \geq 2$ *ва* $\mathrm{a} = \mathrm{b}$ *бўлсин. У ҳолда шундай* $\tau_{\mathrm{c}} > 0$ *сони топиладики,* k*-регуляр дарахтда аниқланган* $\tau = 2\cosh(\beta)$ *параметрли SOS-модели (19) учун қуйидаги муносабатлар ўринли бўлади:*

